



# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETINING PEDAGOGIKA INSTITUTI



PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA VA TEKNOLOGIK TA'LIM KAFEDRASI

## UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM MAZMUNINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

**MUAMMO VA YECHIMLAR**



**RESPUBLIKA ILMIY-NAZARIY ANJUMANI  
2022-YIL, 25-APREL**



BUXORO DAVLAT  
UNIVERSITETINING  
PEDAGOGIKA INSTITUTI



*PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA VA TEXNOLOGIK TA'LIM  
KAFEDRASI*

**UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM  
MAZMUNINI YANADA  
TAKOMILLASHTIRISH  
ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA  
YECHIMLAR**

**RESPUBLIKA ILMIY-NAZARIY ANJUMANI**

**2022-yil, 25-aprel**

**BUXORO - 2022  
«DURDONA» NASHRIYOTI**

Uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim mazmunini yanada takomillashtirish istiqbollari: muammo va yechimlar [Matn]: maqola va tezislar to'plami. 772 bet.

### **MAS'UL MUHARRIR:**

Izbullayeva G.V. – p.f.f.d. (PhD), dotsent

### **TAQRIZCHILAR:**

Abdullayev M.J. – Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasи mudiri, p.f.f.d.(PhD), professor.

Sharipov A.Z. – Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti Ijtimoiy fanlar kafedrasи mudiri, f.f.d., dotsent.

### **TO'PLOVCHI VA NASHRGA TAYYORLOVCHILAR:**

Umedjanova M.L. – o'qituvchi

Shernazarov Z.Z. – o'qituvchi

Sobirova M.R. – BuxDUPI Pedagogika va psixologiya mutaxassisligi magistranti

Ushbu ilmiy-nazariy anjumanning ilmiy maqola va tezislari to'plamida ilm-fan va ta'lim tizimidagi keng ko'lamli islohotlar, uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim mazmunini yanada takomillashtirish istiqbollari: muammo va yechimlar borasida fikr va tajriba almashish, sohada amalgalashish, oshirilayotgan islohotlarni tahlil qilish, tadqiq etishga qaratilgan takliflarni qamrab oluvchi ilmiy, nazariy va uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqilgan.

Mazkur to'plamda kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma'lumotlar, bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o'zları mas'ulidirlar.

O'quvchilarning intellektual va kreativ qobiliyatlarini rivojlantirishning muhim yo'naliishlari. ( <i>Sh.X. Samiyeva, G. H. Usmonova</i> ) .....	276
Boshlang'ich ta'limda xorijiy tillarni o'rganishning ahamiyati. ( <i>D.B. Axmedova, S.U. Murodova</i> ).....	280
Ta'lim jarayonida bo'lajak pedagoglarni taylorlashda kompetentlik yondoshuvni amalga oshirish uchun interfaol usullaridan foydalanish. ( <i>N.B. Ismatova, A. Sultonov</i> ).....	285
O'qituvchi kasbiy faoliyatida akmeologik yondashuv. ( <i>Sh.T.Tavakkalovich</i> ) .....	291
Yosh avlod kamolotida mediasavodxonlikning o'rni va ahamiyati. ( <i>M.Ahmedov</i> ).....	295
Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тайёргарлиги динамикаси. ( <i>Ш.Ш. Хидоятов</i> ) .....	299
Бадиий каштачилик санъати тарихини интеграциялаш асосида тасвирий санъат фани ўқитиш методикасини такомиллаштириш. ( <i>A.P. Шукров, М.Р.Ризоева</i> ).....	305
Физикадан тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини робототехника элементларидан фойдаланиб ривожлантириш. ( <i>Ш.Б. Худойбердиев, Н.М. Ҳамдамова, Ҳ.О. Жўраев</i> ) .....	311
Maktab yengil atletika to'garaklarida shug'ullanuvchi 3 sinf sinf o'g'il bolalarining jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlari. ( <i>M.J. Abdullayev</i> ) ...	315
Yengil atletika sport to'garaklarida shug'ullanuvchi 2 sinf qiz bolalarining jismoniy tayyorgarligi dinamikasi. ( <i>M.J. Abdullayev</i> ) .....	321
Yosh yengil atletikachilarning mashg'ulot samaradorligini oshirish metodikasi. ( <i>O.A.Tursunov</i> ) .....	324
Aqliy tarbiya va fitnes. ( <i>A. Orunbayev</i> ) .....	329
O'zbekiston badiiy gimnastikachi qizlarimizning xalqaro maydonlardagi o'rni. ( <i>H.Z.Mamadaliyeva, A.A. Komilov</i> ) .....	333
O'zbekistonda futbol sport turning rivojlanishi va uning tarixi (ilk paxtakor jamoasi). ( <i>H.Z.Mamadaliyeva, A.A. Komilov</i> ) .....	337
Ёш футболчиларнинг йиллик циклидаги машғулот юкламалари. ( <i>Фазлиддинов Ф.С.</i> ).....	345
Basketbol bilan bog'liq o'quv va tarbiya jarayonida o'yin texnikasining o'ziga xosligi. ( <i>N.R. Sabirova</i> ).....	349

# ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ТЕХНИК -ТАКТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ ВА СПОРТ ТҮГАРАКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Н.Р. Сабирова**

*Бухоро Давлат Университетининг  
Педагогика институти катта ўқитувчиси*

**Н.И. Ахмедов (магистр)**

*Бухоро Давлат Университетининг Педагогика институти*

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг жисмоний етуклигини таъминлаш, спорт билан шуғуланишлари, миллионлар ўйини ҳисобланган футбол жараёнини яхшилаш борасида катта куч сарфланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисидаги” 2020 йил 30 октябрдаги 6099-Фармонига мувофиқ, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида аҳолининг кенг қатламларини спорт турларига жалб қилинишида масъулиятни оширишга катта эътибор қаратилиб, ёши катта нафақаҳўрлар, ишсиз қолган, уюшмаган ёшларни турили муассасалар, жумладан, ўзлари истиқомат қиласиган маҳаллалардаги мактабларнинг спорт залларига жалб этила бошланди.

Замонавий футбол бугунги кунда ёшлар ўртасида бизнес сифатида қаралмоқда: яъни давлат томонидан молиялаштириш, спорт брендлари, реклама фаолияти, ҳомийлик ва машҳур спортчилар билан ҳамкорлик кабиларни намоён этмоқда. Жисмоний тарбия ва спортта жамият ҳаётида катта аҳамият берилмоқда. Спорт соғлиқни мустаҳкамлаш, мулоқот воситаси ва фаоллик белгиси, шунингдек заарали одатларга қарши антипропаганда воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Кундан-кунга кўплаб инсонлар соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилмоқдалар. Спортнинг профессионал футбол тури ҳақиқий саноатга айланиб улгурди, спортчилар эса ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар ёрдамида машҳурликка эришмоқдалар. Мактаб ёшидаги

болаларда айниқса, футбол ўйинининг иштирокчиси сифатида гурӯҳнинг 50 фоиз аҳамиятга дарвозабони сифатида қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклиги борасида маълумот, кўникма ва тажрибани шакллантирилишига эҳтиёж юқори.

Ўқувчи- ёшларни спортга, унинг энг қизиқарли турларидан бўлган футболга қизиқтиришда мактабда ўтиладиган жисмоний тарбия фанининг роли муҳим. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, уларнинг аксарият қисми жисмоний тарбия фани билан шуғулланиш саломатликни мустаҳкамлаш ёки яхшилаш воситаси сифатида қайд этилади. Қолган ярми эса жисмоний тарбияни дам олиш, шунингдек, кўнгилочар восита деб ҳисоблашади, яъни улар асосан бу фан доирасидаги дарс машғулотларига бошқа асосий фанлардан, жумладан, репетиторлик дарсларидан чалғиши, дам олиши, ўз қобилияtlари, жисмоний жиҳатдан устунликларини намоён этиш учун иштирок этишади.

Жисмоний тарбия дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, мазкур дарслар фан ўқитувчиси билан шахсий контакт асосида амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси билан ўқувчилар ўртасида шахсий контакт даражасининг пасайиши жисмоний тарбия тўғрисидаги тасаввурларнинг бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлади, яъни кучнинг, эпчиликнинг, тезликнинг пасайиш ҳолатлари кузатилади.

Ўқитувчи билан жонли мулоқотгина спортга, айниқса футболга нисбатан салбий муносабатни бартараф этади ва мустақил ишилаш, тўгаракларга аъзо бўлиб, иштирок этиш, ҳаваскорлик даражасида бир неча мусобақаларда фаол қатнашиш учун мотивация беради. Бугунги кунда, айтиш керакки, турли мусобақаларнинг, ўртоқлик учрашувларининг кечки вақтларда ташкил этилиши катта аҳамият касб этмоқда.

Спорт ўзининг барча тарихий ривожланиш босқичларида ватанпарварлик жарчиси, тарбиячи, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси вазифасини бажариб келган.

Халқаро миқёсда етакчи таълим муассасалари илмий тадқиқотчилари томонидан ўқувчи-талабалар ўртасида ўтказилган бир неча анкета сўровномалари натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўқувчиларнинг асосий қисми, тахминан 29 фоизи спорт

билин ҳар куни, 28 фоизи кунора, 26 фоизи ҳафтада бир шуғулланиб келишар экан. Бирок, қарийб 17 фоизи анчадан буён шуғулланишмаганини қайд этишган. Жумладан, шу гурухга мансуб ўқувчи ва талабалар баҳоланиш мақсадидагина жисмоний тарбия дарсларига қатнашишларини билдиришган. Бу эса яхши натижада эмас, албатта. Бу уларнинг ўз саломатликларига жуда ёмон муносабатда эканликларидан далолат беради.

Хулосалар қуйидагича: спорт билан шуғулланмаслик ёки бадантарбия машқларини бажармаслик оқибатида бугунги кунда дунё бўйича ортиқча вазнга эга бўлиш кўрсаткичлари аёлларнинг ҳар тўртдан бирида, эркакларнинг эса 14 фоизида кузатилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг инсон интеллектуал ва ақлий ривожланишида роли жуда каттадир. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш жараёнида инсон анатомия, физиология бўйича билимларни ўзлаштириб боради. Ҳаракат қилиш инсоннинг ақлий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

Тиббиёт соҳасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кун ўрта умумтаълим муассасалари бити्रувчиларининг 50 фоизидан кўпроғи камида 2 та сурункали касалликлар билан оғришади. Ҳарбий чақириқ ёшидаги йигитларнинг 30 фоизи армияда хизмат қилишга нолойик бўлса, 18 ёшга тўлган йигитларнинг қарийб 40 фоизи умумий жисмоний тайёргарлик нормативларини "қониқарли"га бажара олишмайди. Бундан ташқари, аниқланишича, мактаб бити्रувчиларининг асосий қисми муассасани жисмоний саломатлиги пасайган ҳолда тарк этишади. Айниқса бу ҳолат сўнгти ўқув йилларида дунё миқёсида COVID-19 пандемияси сабабли дарс жараёнларининг online-масофадан ташкил этилганлиги ҳолатида жуда кескинлашди. Ўқувчиларнинг узок вақт даомида компьютер, телевизорлар қаршисида ўтириб, ҳаракатсиз қолишлари, назоратсиз қолишлари, анъанавий дарслар бошланган ҳолатда ҳам, жисмоний тарбия фанининг ҳафта давомида эмас, балки шанба куниаридағина 1 соатдан ўтказилганлиги бунга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Натижада, ўқувчилар орасида кўз касалликлари билан, сколиоз, нотӯғри овқатланиш орқасидан ошқозон касалликлари авж олди.

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолда, ўқувчилар саломатлигини таъминлаш ва тиклаш мақсадида жисмоний тарбия

фани дарсларида қуидагиларни амалга ошириш мұхим деб хисоблаймиз:


1) Дарс жараёнида ўқувчиларга жорий ҳолатдан келиб чиқиб, құшимча машқлар бажарышға ундаш ва мотивация бериш;

2) Түгри нафас машқларини бажартириш ва бу борада күникма ҳосил қилиш;

3) Ўқувчилар ўртасыда спорт тұрақлари ташкил этиш ва уларни ўқувчиларнинг ҳохишиға күра юритишини ташкил этиш. Бунда ўқувчилар фикри инобатта олингандылық сабабли ҳам иштирокчилар сони ортиши ва самарадорлиги таъминланади;

4) Рес тадқиқотчи-олимаси Г.А.Ямалетдинова фикрича, қуидагилар ўқитувчи ва тренер фаолиятининг самарасини ёки натижадорлигини таъминлайды:<sup>46</sup> (1-расм)

Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси ва тренери авваламбор шахсий ўрнак бўла олиши, яъни соғлом бўлиши, келишган қаддиқоматта эгалиги, тоза ва сифатли кийим- спорт формасыда бўлиши каби хислатларни ўзида намоён этиши зарур. Шунингдек, фаолияти жараёнида педагогик амалиётта эгалиги, малакалииги, психологик жиҳатдан тайёрлиги кабилар ўта мұхим аҳамият касб этади. Учинчидан, ҳар бир дарс ва машғулотта ижодий ёндашув, ўқувчиларнинг ҳолатини инобатта олиб, қизиқтириш дарснинг сифатлииги ва самарасини оширишга ёрдам беради, албатта.



1-расм. Ўқитувчи фаолияти натижадорлигининг асосий омиллари

Биз ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг спорт тұрақларига жалб қилиниш даражасини ошириш учун аввало уларнинг қизиқишлиарини ўрганиш зарурлигини таъкидлаймиз.

<sup>46</sup> Ямалетдинова, Г.А. Педагогика физической культуры и спорта: учеб. пособие для академического бакалавриата / Г. А. Ямалетдинова // Мин-во образования и науки РФ, Урал. федер. ун-т. - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 244 с.

Фикримизча, қуиыдаги саволлардан иборат анкета- сўровномасини ўтказиш бу жараёнда анча ёрдам беради.:

1. Спорт билан шуғулланасизми?

Ха-Йўқ

2. Қайси спорт турлари билан шуғулланасиз?

---

3. Спортчиларнинг чиқишилари билан қизиқасизми ва асосан кимларнинг чиқишилари билан?

Ха,

Йўқ. Кизиқмайман.

4. Спортчиларнинг чиқишилари ҳақида асосан қайси воситалар орқали маълумот оласиз?

Интернет

Телевидение

Афишалар

Ўртоқларимдан

Бошқа

воситалар

5. Машҳур спортчилар қандай хислатлари билан сизни жалб қилган, деб ҳисоблайсиз?

Юқори даромад олиши

Саломатлиги, келишган қадди- қоматга эгалиги

Оддий оила фарзанди бўла туриб, юқори натижаларга эриша олганлиги

Бошқа

сабаблар:

6. Саломатлигиниз билан боғлиқ муаммолар мавжудми? (иложи борича билдирганингиз маъқул)

---

7. Қайси спорт тури билан шуғулланиш сиз ва яқинларингиз учун қулай ва фойдали бўлади, деб ҳисоблайиз?

---

8. Келажакда спортни ўз ҳаётингиз мазмuni бўлишини истардингизми, яъни спортчи бўлишни истайсизми?

Ха-Йўқ

Билмайман

9. Мактабда қандай спорт тўгараклари ташкил этилишини истайсиз?

10. Мактабда ташкил этиладиган спорт машғулотлари ва мусобақалари учун қандай қўшимча шароитлар ташкил этилиши зарур, деб ҳисоблайсиз?

Юқоридаги оддий саволнома асосида ўқувчи, ёшларнинг қизиқишилари, бартараф этилиши керак бўлган муаммолар, у ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлинади. Ўқувчиларнинг фикрлари ва қарашлари ҳам мактаб маъмурияти учун қизик эканлигини тушунишади ва ўз фикрларини баён этишади. Бунаقا сўровномалар айни вақтда ўқувчилар ва ота-оналарнинг фан ўқитувчиларига нисбатан ҳурмати ошишига сабаб бўлади. Демак, шахсий хислатлар, профессионал фаолиятга ижодкорликнинг жалб этилиши оқибатида юқори самарадорликка, натижада эса кўплаб ўқувчиларнинг саломатлиги мустаҳкамланишига олиб келади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. 2017 йил 3 июндаги “ Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПК-3031 қарори.
2. Safarov D.Z.O', Xamroev B.X. Oliy ta'limda gimnastika darslarini innovatsion ta'lim texnologiyalar asosida o'qitishi samaradorligi // Scientific progress, 2021. T. 1. № 6.
3. Islomov E.Yu., Xamroev B.X., Safarov D.Z.U. Upravlenie vospitaniem yunogo sportsmena vo vremya zanyatiy fizicheskimi uprajneniyami i na trenirovke // Questions nauki i obrazovaniya, 2020. No. 20 (104).
4. FF Savrievich, TM Shodievich TECHNICAL AND TACTICAL TRAINING OF FOOTBALL PLAYERS Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2 (04), 259-266
5. F.F. Savrievich "THE BASIS OF PHYSICAL EDUCATION OF SCHOOLBOYS-PHYSICAL EDUCATION KNOWLEDGE" Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2 (05), 41-48
6. F. Fazliddinov "PROFESSIONAL COMPETENCE OF THE SPECIALIST IN PHYSICAL CULTURE" ACADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2020
7. Z.N. Savriyevna Interpretation of Concepts of Human Dignity by Heroes in Utkir Khoshimov's Works - Middle European Scientific Bulletin, 2021
8. N.R. Sabirova "The Importance Of Three-Stage Model In Developing The Functional Status Of Athletes." International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development 3.3 (2021): 190-196.
9. TOOLS FOR DEVELOPING SPECIAL PHYSICAL TRAINING AND PHYSICAL QUALITIES IN SPORTS GAMES Sabirova Nasiba Rasulovna 2021/5/24 E-Conference Globe 299-305
10. Abuzalova M. K., Sobirova D.R., Ahmadova U. Sh. Syntactic Properties Of Publicist Text Titles On The Internet. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. ISSN: 1475-7192. 2020. P. 451-457.Fevral. -4.
11. Sabirova Nasiba Rasulovna. (2021). The Importance Of Three-Stage Model In Developing The Functional Status Of Athletes. International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development, 3(3), 190-196.

12. Sabirova N.R. ZNACHENIE FIZICHESKOY KUL'TURI V SOVREMENNOM OBSHESTVE //Problemi pedagogiki. – 2020. – №. 6 (51).
13. Dustov Bakhtiyor Akmalovich, Toshov Murod Khalilovich, Sabirova Nasiba Rasulovna, Fazliddinov Farkhod Savievich. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 6, 2020 Review Article PSYCHOLOGICAL IMPACT OF FOOTBALL GAMES TO THE FORMATION OF INDIVIDUALITY OF THE STUDENT Dustov Bakhtiyor Akmalovich, Toshov Murod Khalilovich, Sabirova Nasiba Rasulovna, Fazliddinov Farkhod Savievich.
14. Sabirova Nasiba Rasulovna, Yusupov Jurabek Nusratilloyevich POSSIBILITIES OF USING THE TOOLS USED IN TEACHING SHORT-DISTANCE RUNNING TECHNIQUES 2021/5/7 Web of Scientist: International Scientific Research Journal
15. Sabirova Nasiba Rasulovna INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT. RESEARCH PARK The Importance Of Three-Stage Model In Developing The Functional Status Of Athletes.
16. Islomov E.YU., Xamroev B.X., Safarov D.Z.U. Upravlenie vospitaniem yunogo sportsmena vo vremya zanyatiy fizicheskimi uprajneniyami i na trenirovke // Voprosi nauki i obrazovaniya, 2020. № 20 (104).
17. Safarov D.Z.O', Xamroev B.X. OLIY TA'LIMDA GIMNASTIKA DARSLARINI INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISHI SAMARADORLIGI // Scientific progress, 2021. T. 1. № 6.
18. Xamroyev B.X., Safarov D.Z.O. BELBOG 'LI KURASHCHINING FUNKSIONAL QOBILIYATI OSHIRISH YO 'LLARI // Scientific progress, 2021. T. 1. № 6.
19. FS Fazliddinov Printsip regulyarnosti v fizicheskem vospitanii i yego znachenie VESTNIK MAGISTRATURI Nauchniy jurnal 4 (10), 85-86
20. F Fazliddinov, M Toshev Fizicheskaya kul'tura i sport kak formirovaniya sotsial'nogo zdorov'ya molodojji Xalq ta'limi (ilmiy-metodik jurnal) 3 (3), 112-115
21. Samijonovich, T. S., Abdullaev, M. J., Tolybaevich, N. A., & Yurievna, N. O. (2020). Improving Methodology Of Action Games In Training Athletes Of Different Ages. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(6), 2907-2914.
22. Abdumalikovna T. D., Oktamovna J. N. The Use of An Example of People's Oral Creation and Modeling Technologies in The Development of Creative Thinking of Students During Learning the Uzbek Language in Primary School //Zien Journal of Social Sciences and Humanities. – 2021. – T. 2. – C. 69-72.
23. Abdullaev M. J. Methodology of application games in the training of young athletes //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 11.
24. Samijonovich, T. S., AbdullaevMolecular & Clinical Medicine, 7(6), 2907-2914.
25. Abdullayev, M. J., Berdiyev, O. I., & Omonova, N. R. (2021). Methodology Of Organization Of" Physical Education And Sports" Lessons In Higher Educational Institutions. *The American journal of social science and education innovations (TAJSSEI) SJIF-5.857 DOI-10.37547/TAJSSEI*, 3(02), 312-320.
26. Абдуллаев, М. Ж. (2018). Swot-анализ в структуре информационных технологий физического воспитания. In Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч.-практ. конф (pp. 14-18).
27. Junaydulloevich, Abdullaev Mehriddin. "METHODOLOGY OF APPLICATION OF MOVING GAMES IN THE TRAINING OF YOUNG ATHLETES." Конференции. 2020.

28. Абдуллаев, М. Ж. "ВЗАИМОСВЯЗЬ ФИЗИЧЕСКОГО И ПСИХИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ В ПРОЦЕССЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ." ВЕСТНИК ИНТЕГРАТИВНОЙ ПСИХОЛОГИИ (2018): 10.
29. Абдуллаев М. Ж. Физкультурно-оздоровительные подходы в процессе физического воспитания студентов вузов //Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч.-практ. конф. – 2018. – С. 10-14.
30. Абдуллаев М. Ж. О некоторых особенностях кинематики метания диска с места //Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч.-практ. конф. – 2018. – С. 7-10.
31. Abdullaev M. J. Characteristics, forms and methods of extracurricular activities with athletes of different ages //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – Т. 8. – №. 11.
32. Tajibaev, S. S., Abdullaev, M. J., Niyazov, A. T., & YuNiyazova, O. (2020). This article scientifically analyzes and substantiates the methodology of using movement games in the development of physical and psychological training of 11-12-year-old athletes in the primary training group. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(6), 2907-2914.
33. Abdullayev, M. J. (2021). Teaching 18-20 Year Old Girls For Healthy Aerobic Exercises. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research (ISSN-2689-1026) Published: February, 28*, 77-85.
34. Abdullaev, M. (2018). Zh. the Relationship of physical and mental development of children in the process of physical education. *Journal. Bulletin of integrative psychology. Yaroslavl*, 17, 10-13.